

«ТАСДИҚЛАЙМАН»



Самарқанд Давлат университети  
ректори, профессор

Р.И.Халмурадов

» 2019 й.

«ТАСДИҚЛАЙМАН»

Тошкент шаҳар «Қон  
препаратлари» Илмий-ишлаб  
чиқариш корхонаси бошлиғи  
Т.Ф.И.



З.И.Убайдуллаева

» 2019 й.

САМАРҚАНД ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ ВА ТОШКЕНТ ШАҲАР ҚОН  
ПРЕПАРАТЛАРИ ИЛМИЙ ИШЛАБ ЧИҚАРИШ КОРХОНАСИ  
ЎРТАСИДАГИ ЎЗARO ИЛМИЙ  
ХАМКОРЛИК ТЎҒРИСИДА

Ш А Р Т Н О М А

# **САМАРҚАНД ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ ВА ТОШКЕНТ ШАҲАР ҚОН ПРЕПАРАТЛАРИ ИЛМИЙ ИШЛАБ ЧИҚАРИШ КОРХОНАСИ ЎРТАСИДА ИЛМИЙ ТАДҚИҚОТ ИШЛАРИНИ БАЖАРИШДА ҲАМКОРЛИК ҚИЛИШ БЎЙИЧА**

## **1. ШАРТНОМА АСОСНОМАСИ:**

Томонлар Ўзбекистон Республикаси «Таълим тўғрисида»ги Қонуни, «Кадрлар тайёрлашнинг миллий дастури», ПҚ-2909 рақамли Олий таълим тизимини янада ривожлантириш чора тadbирлари тўғрисидаги қарори каби илмий тадқиқот ишларини ва Олий таълим тизимини ривожлантиришга қаратилган фармон, қарорлар, қонунларнинг талабларидан келиб чиқиб ўзаро ҳамкорликда юқори малакали иқтидорли бакалавр босқичи талабалари, магистрлар, мустақил изланувчилар, таянч докторлар ва докторантлар тайёрлашни ўзлуксиз тизимини яратишдан иборат. Ушбу шартномага биноан Самарқанд давлат университети ва Тошкент шаҳар қон препаратлари илмий ишлаб чиқариш корхонасидаги мавжуд илмий салоҳият, лабораториялар, илмий марказлар, замонавий жиҳоз ва курулмаларидан унумли фойдаланишни йўлга қуйиш, шунингдек 2019-2024 йиллар оралиғида ўзаро келишилган ҳолда илмий-тадқиқотлар олиб бориш, стажировкаларга юбориш назарда тутилади. Илмий-тадқиқотларнинг режалаштирилиши, изланувчи-тадқиқотчилар ва олимларнинг ўзаро хизмат сафарларига бориб-келишларига оид ишларнинг муддати томонларнинг келишувига биноан қушимча равишда алоҳида амалга оширилади.

## **2. ШАРТНОМА ТУЗУВЧИ АСОСИЙ ТОМОНЛАР:**

2.1. Самарқанд Давлат университети Биология факультети (факультет декани, доц. Келдиёров Х.А.), Одам ва ҳайвонлар физиологияси кафедраси (кафедра мудири, доц. Кузиев М.С.) ва ушбу кафедрага бириктирилган иқтидорли талабалар, магистрлар, мустақил изланувчилар, таянч докторантлар, докторантлар ҳамда кафедра профессор-ўқитувчилари.

## **3. САМАРҚАНД ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИНИНГ МАЖБУРИЯТЛАРИ:**

3.1. Самарқанд Давлат университети Биология факультети «Одам ва ҳайвонлар физиологияси ва биокимё» кафедрасининг илмий тадқиқот ишларини олиб борадиган иқтидорли бакалавр босқичи талабалари, магистрлар, мустақил изланувчилар, таянч докторлар ва докторантларни Тошкент шаҳар қон препаратлари илмий ишлаб чиқариш корхонасининг тегишли илмий лабораторияларига юборди.

3.2. Амалга ошириладиган ҳамкорлик натижасида иқтидорли бакалавр босқичи талабалари, магистрлар, мустақил изланувчилар, таянч докторлар ва докторантларини илмий фаолияти билан боғлиқ бўлган ҳаражатларни қоплашни маълум даражада кафолатлайди.

#### 4. ТОШКЕНТ ШАҲАР ҚОН ПРЕПАРАТЛАРИ ИЛМИЙ ИШЛАБ ЧИҚАРИШ КОРХОНАСИ МАЖБУРИЯТЛАРИ:

4.1. Самарқанд давлат университети томонидан юборилган иқтидорли бакалавр босқичи талабалари, магистрлар, мустақил изланувчилар, таянч докторлар ва докторантларга Тошкент шаҳар қон препаратлари илмий ишлаб чиқариш корхонасининг илмий лабораторияларида лаборатория таҳлилларини олиб бориш, стажировкага юборилган магистрларни стажировка ўташлари учун шароит яратиб бериш.

4.2. Корхона илмий кутубхонасидан фойдаланишга имконият яратиш ҳамда лозим бўлган ҳолларда илмий маслаҳатлар орқали назарий ва амалий кўмаклар бериб бориш.

#### 5. ТОМОНЛАРНИНГ МАЪСУЛИЯТЛАРИ:

5.1. Шартноманинг шартлари бажарилиши учун ҳар иккала томон бир-хил маъсулдирлар.

5.2. Томонлар ўртасидаги ихтилофлар амалдаги қонунлар доирасида иккала томоннинг келишуви асосида ҳал қилинади.

#### 6. ШАРТНОМАНИНГ ЯКУНИЙ ҚОИДАЛАРИ:

6.1. Шартнома СамДУ ректори ва Тошкент шаҳар қон препаратлари илмий ишлаб чиқариш корхонаси директори томонидан тасдиқланган кундан бошлаб кучга кириди;

6.2. Шартнома амал қилиш муддати СамДУ ректори ва Тошкент шаҳар қон препаратлари илмий ишлаб чиқариш корхонаси директори тасдиқлаган кундан бошлаб 5 йил муддатга;

6.3. Шартноманинг амал қилиш муддати икки томоннинг розилиги билан узайтирилиши мумкин;

6.4. Ҳамкорлик ҳар иккала томондан келишилган шартлардан ташқари мавжуд қонунларга амал қилинган ҳолда олиб борилади.

Самарқанд Давлат университети  
ректору, профессор  
Р.И.Халмурадов  
» « 2019 й.



Тошкент шаҳар “Қон  
препаратлари” Илмий-ишлаб  
чиқариш корхонаси директори,  
тиббиёт фанлари доктори  
З.И.Убайдуллаева



#### ТОМОНЛАРНИНГ МАНЗИЛЛАРИ:

7003004, Самарқанд шаҳар,  
Университет хиёбони, 15  
Тел. (866) 2391714  
Факс. (866) 2391714

100007, Тошкент шаҳар,  
Яшнобод тумани, М.Риёзий-1,2  
Тел. (71) 289-61-16,  
Фак. (71) 289-62-09